

ЎЗГАРУВЧАН ИҚТИСОДИЙ ШАРОИТДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ХОРИЖИЙ ПЛАТФОРМАЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ

Абдурашит Каримович Авлиякулов

*Профессионал таълимни ривожлантириши институти “Таълимда бошқарув”
кафедраси профессори*

Аннотация: Мақолада ўзгарувчан иқтисодий шароит, таълим сифати ва ўзгарувчан иқтисодий шароитда таълим сифатини оширишида хорижий платформаларни жорий этиши муаммоларин кўтарилган. Унда хорижий платформа сифатида Coursera платформасининг тадбиқ этилиши, унинг хусусиятлари, имкониятлари бўйича батафсил сўз юритилади

Калит сўзлар: таълим муасса, таълим сифати, Coursera платформаси, ўзгарувчан тиқтисодиёт, хоижий платформа, IT-парклар ва инновацион марказлар

Хозирги кунда жаҳон миқёсида иқтисодий шароитнинг ўзгарувчанлиги, рақамили технологияларнинг тез суръатда ривожланиши ва меҳнат бозори талабларининг муттасил янгиланиб бориши таълим тизимидан мутлақо янги ёндашувларни талаб этмоқда. Айниқса, касбий таълим соҳасида рақобатбардош, инновацион фикрлайдиган ва бозор иқтисодиёти талабларига мос малакали мутахассисларни тайёрлашда замонавий технологияларни, жумладан, хорижий инновацион таълим платформаларини жорий этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Таълим сифатини ошириш – хар бир мамлакат учун устувор вазифалардан биридир. Ахборот технологияларининг ривожланиши, рақамили трансформация жараёнлари таълим соҳасида ҳам туб ўзгаришларни талаб этмоқда. Жаҳоннинг етакчи мамлакатлари ўз таълим тизимларини инновацион платформалар асосида қайта ташкил этиб, таълим сифатини янги босқичга олиб чиқишига эришмоқда. Хорижий таълим платформаларининг турлари, уларнинг имкониятлари ва миллий таълим тизимиға жорий этиш орқали таълим сифатини ошириш масалалари кўриб чиқилади.

Бироқ ушбу платформаларни миллий касбий таълим тизимиға самарали ва мақсадли интеграция қилиш, уларнинг методологик жиҳатларини чуқур ўрганиш ва амалиётга мослаштиришга қаратилган илмий асосланган ёндашувлар етарли даражада ривожланмаган. Ўзбекистонда меҳнат бозорининг трансформацияси, рақамили иқтисодиётнинг ривожланиши ва глобал интеграция жараёнлари касбий таълим тизимини тубдан ислоҳ қилишни талаб этмоқда. Шунинг учун, замонавий технологиялар, айниқса хорижий таълим платформалари орқали таълим сифатини

MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

ошириш, таълим-ишлиб чиқариш интеграциясини таъминлаш ва амалий кўнилмаларни шакллантириш долзарб вазифалардан биридир.

Замонавий таълим тизими рақамлаштириш жараёни таъсирида тубдан ўзгармоқда. Таълимдаги рақамли технологиялар инсон имкониятларини кенгайтиради, таълимга бўлган талабни қондиришда самарали воситага айланмоқда. Ушбу жараёнда Coursera платформаси дунё миқёсидаги энг нуфузли онлайн таълим майдонларидан бири сифатида алоҳида аҳамият касб этмоқда. Хорижий таълим платформалари бугунги кунда дунё таълим бозорида кенг тарқалган бўлиб, турли даражадаги ўқув курслари, онлайн таълим, интерактив дарслар ва мустақил ўқиш имкониятларини яратади. Улар қуидагиларни ўз ичига олади:

Coursera — АҚШда, олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда онлайн курслар тақдим этувчи платформа. У Стэнфорд университети профессорлари Дафна Коллер ва Эндрю Нг томонидан ташкил этилган онлайн таълим платформасидир. Ушбу платформа MOOC (Massive Open Online Course) — оммавий очик онлайн курслар тамойилига асосланади. Coursera университетлар ва компаниялар билан ҳамкорликда турли соҳалар бўйича минглаб курслар, мутахассислик дастурлари, сертификатлар ва магистратура даражалари таклиф этади. Жумладан, Coursera платформасидаги таълим формалари:

Тип	Тавсифи
Individual Courses	Якка курслар, одатда 4–6 ҳафта давом этади
Specializations	Муайян соҳа бўйича бир нечта курслардан ташкил топган дастур
Professional Certificates	Ишга жойлашиш учун сертификат берувчи курслар (Google IT, IBM Data Science ва бошқалар)
Degrees	Онлайн бакалавр ёки магистр даражалари (University of Illinois MBA ва ҳ.к.)
Guided Projects	Қисқа амалий лойиҳалар (2–3 соатлик)

Бу платформа таълимни индивидуаллаштириш, фанларо ёндашув ва интерактив ўқитиши орқали ўқув жараёнини самарали ташкил этиш имконини беради. Халқаро тажриба ва юқори стандартларга мос ўқув материалларидан фойдаланиш имкониятига эга бўлиб, платформанинг асосий хусусиятлари қуидагилардан иборат:

- Маълумот технологиялари, бизнес, ижтимоий фанлар, тиллар, тиббиёт, муҳандислик каби кўплаб соҳалар бўйича хилма-хил мавзулар қамраб олинган.

Баъзи курслар университетлар ёки етакчи компаниялар томонидан тан олинган дипломлар ва сертификатлар билан расман сертификатланади.

MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC SOLUTIONS

Асосан инглиз тилида, лекин баъзи курслар рус, испан, француз, хитой ва бошқа тилларда ҳам мавжуд.

- Фойдаланувчига мослашувчанлик: курсларни ўз вақтида, ўзига қулай темпда ўрганиш имкони мавжуд.

1. Олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик: Масалан, Йель, Принстон, Мичиган, Пенсильвания университетлари, Google, IBM, Meta каби корпорациялар билан ҳамкорлик орқали сифатли таълим ресурслари тақдим этилади.

2. Мулоқот ва баҳолаш: курслар форумлар, тестлар ва топшириқлар орқали интерактив тарзда ўтказилади.

3. Иқтисодий жиҳатдан тежамкор: анъанавий таълимга нисбатан арzonроқ.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда рақамли таълимга жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан: Coursera ва Udemy платформалари асосида ўқитувчилар малакасини ошириш курслари ташкил этилмоқда. Шунингдек, Президент мактаблари, IT-парклар ва инновацион марказларда платформалардан фойдаланиш амалиёти йўлга қўйилган.

Хорижий платформаларни жорий этишда қўйидаги айрим муаммолар мавжуд, жумладан:

- Техник инфратузилманинг етарли эмаслиги (интернет тезлиги, курилмалар камлиги);
- Педагогларнинг рақамли салоҳияти пастлиги;
- Миллий таълим дастурларига мувофиқлаштириш муаммоси;

Хорижий таълим платформаларини жорий этиш таълим сифатини оширишнинг энг самарали йўлларидан биридир. Албатта бундай муаммаларининг ечим сифатида қўйидагиларни келтириш мақсадга мувофиқдир:

Давлат миқёсида хорижий платформаларни жорий этиш стратегияси ишлаб чиқилиши керак;

- Олий ва касбий таълим муассасалар учун маҳсус техникавий платформа марказлари ташкил этиш;
- Миллий ўқув режаларига мос гибрид таълим моделларини жорий этиш;
- Ўқитувчилар учун доимий онлайн ўқув курсларини ташкил этиш;
- Ўқитувчилар учун мотивация тизимини яратиш, уларни хорижий курсларга жалб этиш;
- Таълим муассасаларида платформа фаолиятини қўллаб-куватловчи IT-менежерлар штатини жорий этиш.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 16 октябрда «Касбий таълимда малакали кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш ва

**MODERN PROBLEMS IN EDUCATION AND THEIR SCIENTIFIC
SOLUTIONS**

халқаро таълим дастурларини жорий қилиш чора-тадбирлари түғрисида»ги ПФ-158-сон Фармони.

2. Coursera, edX, FutureLearn — расмий вебсайтлардан материаллар (2024).
3. Рахимов З.Т. Инновацион ёндашув асосида бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг ўқув-билиш компетентлигини ривожлантириш технологияси. Автореферат. Т.:2021й.

